



# **ИНСТИТУТЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТИЗИМЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ**

1. Роберт Мертоннинг  
ижтимоий тизим ва аномия  
тушунчаси
2. Эмиль Дюргеймнинг  
ижтимоий назарияси
3. Толкотт Парсонснинг  
ижтимоий фаолият тизими  
хақидаги қарашлари.

Социал институтларнинг вазифаси инсоннинг хатти харақатини назорат қилиш ва олдиндан айтиб беришдир. Юриспруденцияда, масалан, социал институтлар дейилганда, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни идора қиладиган ҳуқуқий нормалар (меросхурлик, мулкка эгаллик, оила ва никоҳ институтлари) тушунилади.

Институционал социология – ижтимоий ҳаётнинг ташкил этишининг ва барқарор шаклларини ўрганувчи соҳадир.

# Роберт Мертонанинг ижтимоий тизим ва аномия тушунчаси (1910-2003).

- Роберт Мертон - институционал социологиянинг асосчиси. «Хар бир социал институт бу биринчи навбатда ўзига хос қадриятлар тизими ва ҳуқуқ атворнинг меъерлари».
- Эмиль Дюргеймнинг назариясини давом эттириб, аномия муаммоларини ўрганди. Аномия назарияси, Мертон бўйича, - бу даврнинг жиноятларнинг сабаблари ҳақидаги социал назарияси.

- «Жамиятимизда бойликка бўлган хаддан ташқари ахамият антисоциал хулқ атворга ва мақсадни хар қандай усуллар билан қўлга киритишга олиб боради».

- Жамиятнинг асосий қоидаси:  
«Мақсад воситаларни оқлайди».

- Мақсадга берилаётган хаддан ташқари ахамият разолат, бузуқликни олиб келади.

# (Эмиль Дюргеймнинг ижтимоий назарияси (1858-1917))



- Эмиль Дюргейм француз файласуф Огюст Контнинг ғояларини давом эттирди. У социологиянинг асосчиси сифатида унинг мустақил фанга айланишига катта хисса қўшди.
- Дюргейм дин социология, меҳнат, функционал таҳлил қилиш, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий билиш, социал факт ва хатто ўз ўзини ўлдириш назарияларини ишлаб чиқди.

•Дюргејџм жамиятда техника ва технология ривожланиши билан технат бўлиниши хам тобора ривожланади деб таъкидлайди.

•Бизда икки хил онг – индивидуал ва жамоавий онг борлигини айтиб ўтади. Биринчиси фақат бизга тегишли ва бизни индивидуал холда таърифласа, иккинчиси бизга тегишли бўлмаган лекин бизга ўз таъсирини кўрсатадиган жамоавий онгдир.

# Толкотта Парсонснинг ижтимоий фаолият тизими хақидаги қарашлари



- Толкотт Парсонс (1902-1979). XX аср социологиясининг энг кўзга кўринган йирик вакилларида бири. Т.Парсонс дунё тизимдан иборатлигини алохида таъкидлайди. У одамлар ҳамма вақт ўзларини рационал тутадиларми? Хақиқатдан ҳам улар эркин ва маълум қоидаларга итоат қилмайдими? Социология бу саволларга жавоб бериши керак, дейди.



- Аслида икки хил реаллик мавжуд: 1) Жисмоний мухит реаллиги; 2) Олий реаллик.
- Фуқаролик жамиятининг ва оила ривожланишини аниқлаб берди.
- Шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларда уларнинг тўлиқ интеграция ҳолатини назарда тутамиз.
- Ахлоқ ижтимоий муносабатларни баҳолашга қаратилган.
- Хар қандай жамиятнинг кадриятлари диний кадриятларига боғлиқдир.